



Мукофот муборак бўлсин, **ЖАНОБ ПРЕЗИДЕНТ!**

**Ўзбекистон Президенти
Иорданиянинг олий нишони —
«Ан-Наҳда» ордени билан мукофотланди**

2025 йил 26 август куни Иордания Подшоҳининг мамлакатимизга давлат ташифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Иорданиянинг нуфузли «Ан-Наҳда» («Ренессанс») ордени билан тақдирланди.

Ушбу юксак мукофотни давлатимиз раҳбарига Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайн шахсан топширди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мазкур орден билан тақдирланиши унинг мамлакатимизда олиб бораётган кенг қамровли ислохотлари, самарали ички ва ташқи сиёсатининг халқаро майдонда юксак эътироф этилаётганидан далolatдир.


Сўнгги саккиз йил ичида Ўзбекистонда адолатли жамият қуриш, иқтисодий очиқлик, фуқаролар фаровонлиги ва инсон қадри устуворлигига қаратилган туб ўзгаришлар амалга оширилди. Президентимиз томонидан бошланган Учинчи Ренессанс — илм-фан ва таълим, маданият ва маърифат, инновация ва ҳамкорлик даври сифатида бугун дунёда тан олинмоқда.

Бугун бутун халқимиз қатори барча касба уюшмалари аъзоларининг ҳам қалби чексиз фахрга тўла. Зотан, бу мукофот давлатимиз раҳбари айтганидек, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган Ўзбекистон халқига дўстона муносабат ва ҳурмат ифодасидир.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу юксак эътироф рамзи бўлган мукофот билан Юртбошимизни қолаверса, бутун халқимизни, ўз сафларига етти миллиондан зиёд юртдошларимизни бирлаштирган Ўзбекистон касба уюшмалари номидан қизгин муборак этамиз!

Юксак мукофот муборак бўлсин, мухтарам Президент!

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси



«Ан-Наҳда» («Ренессанс») ордени 1925 йилда таъсис этилган бўлиб, у Иорданиянинг олий давлат мукофотларидан бири саналади. У мамлакат ва минтақада тараққиёт, тинчлик ва ҳамкорликка улкан ҳисса қўшган давлат раҳбарлари ва таниқли шахсларга берилади. Бу шарафли орденга дунёнинг кўплаб йирик арбоблари — Ангела Меркель, Нидерландия қироличаси Беатрикс, Франсиско Франко, Испания қироли Филипп VI, шунингдек, қатор араб ва Европа мамлакатлари раҳбарлари сазовор бўлишган.

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев энг азият умуммиллий байрамимиз — Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганининг ўттиз тўрт йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 523 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 195 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 147 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 87 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 94 нафар шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 8 нафарини чет эл фуқаролари, 45 нафарини аёл, 31 нафарини 60 ёшдан ошган эркак, 220 нафарини ёшлар (шулардан 1 нафари вояга етмаган) ҳамда 15 нафарини тақиқланган тақсилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича маъсул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ҲАР БИР ЮТУҚ ВА НАТИЖА, АВВАЛО, ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУГЛАШ, УНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан давлат мукофотларини топширди.



QR кодни сканер қилинг ва мукофотларни топшириш маросими тафсилотлари билан батафсил танишинг:



ЯНГИ АЭРОПОРТ ҚУРИЛИШИ ЯКУНЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент-Шарқий» аэродроми негизида барпо этилган янги аэропортни бориб кўрди.



QR кодни сканер қилинг ва ташриф тафсилотлари билан батафсил танишинг:

■ ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

ИСТИҚЛОЛ — ЮКСАК МАРРАЛАР, БУЮК МАҚСАДЛАР САРИ ИЛҲОМЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Барчамиз энг улуг, энг азият байрамимизни ҳар йилгидан-да кўтаринки руҳда нишонлаш тадоригида-миз. Эл-юртимиз учун қадр-қиммати чексиз, аҳамияти улуг, бебаҳо неъмат бўлган мустақиллик тантаналарини меҳнат ютуқлари, ўзига хос тухфалар, улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик билан нишонлаш эзгу анъанага айланган. Беадад шукрки, мустақиллигимизнинг 34 йиллиги ҳам кўпдан-кўп хушхабарлар, янгиликлар, беқиёс ўзгаришлар билан қутиб олинмоқда. Янги Ўзбекистоннинг бугунги жадал тараққиёти, жаҳон майдонидаги тобора ортиб бораётган обрў-эътибори янада юксак пардаларда тараннум этилмоқда.

ШИДДАТЛИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЯНГИ ТЎЛҚИНИ

Инсоннинг эртанги кунга бўлган ишончи, қувончу ширин ташвишлари, интилишлари замирида аслида Ватанга бўлган муҳаббат ётади. Дуоларимизнинг ҳар бирида бежиз «Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин», деб айтмаймиз-да. Чунки Ватан — бу ота юрт, аждодлар мероси, ота-онанинг излари қолган кўчалар, илк баҳорни таниган, варрак учирган кенгликларинг...

Ватан — бу миллийлик, ўзлик, маънавият ва хотираларнинг жамламасидир. Шу сабабли ҳам ҳар бир инсон учун она Ватаннинг эркинлиги ва ободлиги энг олий қадриятдир.

Мустақиллик, аввало, халқимизни ана шу бахтга муяссар этди. У бизга ўзимиз хоҳлагандек адолатли, демократик, инсонпарвар жамият қуриш, ўз миллий давлатчилигимизни ривожлантиришга имконият яратди.

Яна санокли кунлардан кейин ана шу қутлуг сананинг 34 йиллигини улкан шодиёна сифатида кенг нишонлаймиз. Байрам арафасида босиб ўтган йўлимиз, амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларни кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиий.

«Янги Ўзбекистон» иборасини эшитганда, энг аввало, янгича иқтисодий муносабатлар, янгича иқтисодий дунёқараш, янгича иқтисодий дипломатия, янги ютуқлар кўз олдимизда гавдаланади. Кейинги бир неча йилда мамлакатда қанча ўзгариш, янгиланиш бўлгани ҳақида соатлаб, ҳатто кунлаб гапириш мумкин.

>>> 3





БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши таълим тизимида меҳнат қилиб келаётган ходимларнинг 200 нафардан ортиқ дилбандларига ўқув қуроллари совға қилди. Бу эътибордан нафақат ишчилар, балки уларнинг фарзандлари ҳам хурсанд бўлишди.

— Ҳар йили янги ўқув йили бошланиши арафасида болаларга қувонч улашишга ҳаракат қиламиз, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши раиси ўринбосари Лолаҳон Аҳмедова. — Тўғри, бу ишлар арзimas бўлиши мумкин. Аммо ишчиларга оз бўлса-да яхши кайфият беришдан бахтиёрмиз. Бу каби хайрли тадбирлар барча туман ва шаҳар бўлинмаларида давом этмоқда.

— Касаба уюшмалари ўғлим Жасурбекка ўқув қуроллари совға қилди, — дей-

ди Ҳимоятхон Нишоновна. — У расм чизиш ва инглиз тилини жуда яхши кўради. Бугунги кун йил давомида аъло баҳоларга ўқиши учун рағбат бўлди.

Фарғона вилоят мусиқали драма театри ижодкорлари томонидан саҳналаштирилган «Олтин жўжа» эртак спектакли кичик томошабинларга манзур бўлди. Музқаймоқ сайли эса болажонларга завқ бағишлади.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

ТАҲЛИЛ

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспекциясига ўтган беш йилда 278 та ёзма мурожаат келиб тушган. Шундан етмиш фоизи иш берувчи ва ходим ўртасидаги ҳуқуқий масалаларга тааллуқли.

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Ҳар бир шикоят-аризалар меҳнат ҳуқуқ инспекторлари томонидан қатъий назоратга олиниб, тегишли тартибда ҳал этилган. Бундан ташқари, шу вақт мобайнида ишлаб чиқариш объектларида 153 марта назорат тадбирлари ўтказилди. Аниқланган камчиликлар бўйича иш берувчиларга 139 та кўрсатма хати киритилди.

Сайё-ҳаракатлар натижасида 23 минг 289 нафар ходимнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланишига эришилди. Улар фойдасига ундирилган товон пулларининг миқдори 5 миллиард 376 миллион 920 минг сўмни ташкил этди. Масалан, Пахтачи тумани тиббиёт бирлашмасидаги ҳолат ўрганилганда ходимларга тўланаётган маошлар миқдоридано-мутаносибликлар борлиги аниқланди. Камчиликларни

бартараф этиш ҳақидаги кўрсатма хатлари эътиборсиз қолдирилди. Шундан сўнг суд орқали уч нафар тиббиёт ходимига 409 миллион 721 минг 195 сўм зарар пуллари, шу-нингдек, Пастдарғом тумани тиббиёт бирлашмасининг 51 нафар ходимига 59 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақлари ундириб берилди. 64 нафар ходимнинг мурожаати ўрганилиб, улар фойдасига 90 миллион сўм иш ҳақларига қўшимча тўловлар тўланишига эришилди.

Мухтасар айтганда, иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатлар инспекциянинг доимий назоратида. Бу, ўз навбатида, турли қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

КАСАБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАЧ...

ҚАРОР ҚАТЪИЙ — ЭЪТИРОЗГА ЎРИН ЙЎҚ

Г.Азимова Зарбдор тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли Бўстон 28-оилавий поликлиникада, Н.Кўшбоқова 14-оилавий поликлиникада «IT» оператор ва-зифасида ишлаб келаётган эди. Уларнинг иккиси ҳам бир вақтда бир муаммога дуч келишди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгашига йўллаган мурожаатларида келтирилишича, 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фар-

монининг 7-банди талаби асосида уларга 100 фоизлик устама пуллари тўланмаяпти.

Ходимларнинг шикояти тегишли тартибда ўрганиб чиқилди ва қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Пировардида фуқаролик ишлари бўйича Зарбдор туманлараро

судига ҳамшираларнинг манфаатини кўзлаб, даъво-ариза киритилди.

Суд иш берувчидан Г.Азимова фойдасига 16 миллион 26 минг 58 сўм, Н.Кўшбоқовага эса 14 миллион 370 минг 531 сўм маблағ ундирилиши тўғрисида қарор чиқарди ва унинг ижроси таъминланди.

Мелитожи ЯКУБОВ,
Соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба
уюшмаси Жиззах
вилояти кенгаши раиси

МУСОБАҚА

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги ҳамда касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан ташкил этилаётган маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари қаторидан республика тез тиббий ёрдам маркази Бухоро вилоят филиали ҳам четда қолмади.

«Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида ўтказилган спорт мусобақалари жамоалар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш, ишчи-ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этди.

Туман ва шаҳар бўлиmlлари ўртасида ташкил этилган ушбу мусобақаларда 200 нафардан зиёд тиббиёт ходимлари шахмат, шашка ва стол тенниси каби спорт турларида беллашдилар.

Яқунда Ғиждувон, Шофиркон, Пешку, Олот, Ромитан, Қоровулбозор туманлари ҳамда Бухоро шаҳридаги марказий, иккинчи ва колл-марказ тез тиббий ёрдам бўлиmlлари жамоалари фахрли ўринларни қўлга киритишди.

ТАДБИР

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Когон шаҳар кенгаши ташаббуси билан энг улўф, энг азиз байрамимиз арафасида «Ватан учун, миллат учун, халқ учун!» деган ғояни ўзида мужассам этган тадбир ташкил қилинди.



Унда таълим ва фан соҳаси фидойилари, касаба уюшмалари фаоллари иштирок этдилар.

Тадбир давомида меҳнат фахрийлари ва тажрибали устозларга байрам муносабати билан эсдалик совғалари, тизимда фаолият юритаётган кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг 20 нафар фарзандига ўқув қуроллари жамланмаси топширилди.

Мустақиллик қадр, жамиятимиздаги меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик каби юксак қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бу каби тадбирлар давом этмоқда.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

ИЧКИ ТУРИЗМ

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Наманган вилояти бошқармаси тизими ходимлари Марғилон, Риштон ва Қўқон шаҳарларига саёҳат қилишди. Тарихий қадамжолар ва миллий хунармандчилик анъаналари билан яқиндан танишишди. Хусусан, атлас ва адрас матолари тайёрлаш, усталарнинг машаққатли меҳнат жараёнлари тур иштирокчиларида ёрқин таассурот қолдирди. Риштон шаҳрида кулолчларнинг ўзгача услубда ясалган сопол буюмлари барчанинг эътиборини тортди.

МАЗМУНЛИ САЁҲАТ

— Бюро ходимлари учун ҳар ойнинг иккинчи якшанбасида юртимизнинг турли гўшаларига сафарлар ташкил этиш йўлга қўйилди, — дейди Мажбурий ижро бюроси Наманган вилояти бошқармаси бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси Соҳибжон Рафиқов. — Бу галли саёҳат ҳам мазмунли ва қизиқarli ўтди. Ходимлар Қўқон хонлигининг бой тарихи, маданияти ва меъморий ёдгорликлари ҳақидаги билимларини бойитишди. Ҳақиқатдан ҳам бундай тадбирлар нафақат ички туризмини ривожлантириш ва маданий хордик, балки дунёқарашни кенгайтириш, жамоа ўртасидаги бирдамлик ва ҳамжиҳатлиқни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Оқилхон ДАДАБОВЕВ,
журналист

ТАНТАНА

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
ХУДУДИЙ БЎЛИМИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА НУРАФШОН ШАҲРИДАГИ
«ВАТАНПАРВАР» БОҒИДА «ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!»
ШИОРИ ОСТИДА БАЙРАМ ТАНТАНАСИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

ВАТАН МЕҲРИ ИФОДАСИ

Унда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими, масъул ташкилотлар вакиллари, халқимиз суи-ган санъаткорлар ҳамда фаоллар ишти-рок этди.

— Мустақиллик ҳаммамиз учун энг азиз ва энг улўф байрам, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши раиси С.Файзиева. — Айниқса, бу йилги «Ватан учун, миллат учун, халқ учун!» бош ғоясининг ўзиёқ шу юртга, шу миллатга бўлган меҳрни, муҳаббатни ифодалайди. Албатта, бугун-гидай кечаларда бунга яна бир бор ҳис қиламиз. Зеро, маънавий тадбирлар одам-

лар қалбида юксак инсоний фазилатлар — меҳр-саховат, ҳамжиҳатлик, миллий бир-дамлик, бағрикенглик каби туйғўлар янада мустаҳкам ўрин олишига хизмат қилади.

Сўзга чиққанлар барчани яқинлашиб келаётган байрам — Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги билан табриклаб, самими-ий тилақларини билдиришди. Дипрабо куй-қўшиқ ва рақслар иштирокчиларга хуш кайфият улашди.

Мархабо ҲАЛИЛОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Тошкент вилояти
кенгаши етакчи мутахассиси



Сўранг,
жавоб берамиз



ТАЪТИЛГА ЧИҚДИМ, АММО...

Шу билан бирга, қонунчиликда айрим тоифадаги ходимларга иш ҳақи сақланмайдиган таътил мажбурий тартибда берилиши кўрсатилган.

Хусусан, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга, бола парвар-ришидаги ҳамда ногиронлиги бор фарзанд

ўстираётган ота ёки онага (уларнинг ўрнини босувчи шахсга) ҳар йили ўн тўрт календарь кунгача иш ҳақи сақланмайдиган таътил мажбурий тартибда берилиши мумкин.

Ҳуқуқ ва халқаро
ҳаёт бўлими

ИСТИҚЛОЛ – ЮКСАК МАРРАЛАР, БУЮК МАҚСАДЛАР САРИ ИЛҲОМЛАНТИРУВЧИ КУЧ

<<< 1

Узоққа бормайлик, бундан 7-8 йил олдинги ҳолатни кўз олдингизга келтиринг: одамлари-мизни хорижий валюталарни сотиб олиш, инвестицион муҳитнинг яхши эмаслиги, фуқароликка эга бўлиш, киши ўзи хоҳлаган ҳудуддан уй-жой ва мол-мулк сотиб олиш ҳуқуқи ҳамда пойтахтга рўйхатга қўйиш билан боғлиқ қатор муаммолар йиллар давомида қийнаб келгани рост.

Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқа-ролик жамиятини янада ривожлантиришга қа-ратилган кенг қўламли ислохотлар туфайли бу-гун фуқароларнинг бу борадаги муаммоларига барҳам берилди, ташвишлари ариди.

Яқин ўтмишгача мамлакатимиз иқтисодиёти, асосан, хомашё савдосига боғланиб қолган эди. Бугун эса юқори технологияли sanoat, замона-вий ағрар тармок, хизмат кўрсатиш каби соҳалар иқтисодиётнинг асосий драйверларига айланди, ахборот технологиялари соҳаси жадаллик билан ривожланмоқда.

Биргина мисол: сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг шаҳсан ташаббуси билан пахта як-каҳокимлигига бутунлай барҳам берилди, пах-тачилик тармоғи тубдан қайта ташкил этилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқа-ришга кластер тизими жорий қилингани қисқа муддатда бу соҳада ижобий натижаларга эри-шиш имконини берди. Даладан бошлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган тўлиқ жа-раён узлуксиз тизим асосида йўлга қўйилди.

Тўқимачилик sanoati деярли нолдан қайта шакллантирилди. Бугун 6 мингдан зиёд мана шундай ишлаб чиқариш корхоналарида 570 мингдан ортиқ одамлар иш билан банд. Ишлаб чиқариш ҳажми эса бундан саккиз йил олдин-гига нисбатан 4,2 баравар ортиб, 8,2 млрд. дол-ларга етди (эсингиздами, бундан ўн йил илгари биз пахта хомашёсини сотишдан ҳамми бўлиб бир миллиардга етар-етмас даромад қилар эдик). Экспорт 3,1 млрд. долларни ташкил этди. Энг муҳими, бу ўзгаришлар минглаб одамларни иш билан муҳим таъминлаш имконини берди. Ўзбе-кистон эса тайёр маҳсулот сотувчи sanoat мам-лакатига айланди.

Биз биргина соҳадаги янгиланишларни иқти-содий манфаатдорлик нуқтаи назаридан таҳ-лил қилдик, холос. Бунинг ижтимоий аҳамияти ҳам кам эмас. Шу ўринда мажбурий меҳнатга қарши фаол кураш олиб борилгани, натижада ўқитувчилар, шифокорлар ва талабалар турли дала ишларига сафарбар қилинишига буткул чек қўйилганини айтиб ўтиш зарур.

Бундай туб ўзгаришларни бугун барча соҳа-лар мисолида келтириш мумкин. Албатта, булар-нинг барчаси Президентимиз томонидан қўйилган Ўзбекистонни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан чинакам мустақил, кучли ҳамда тенглар ичра тенг буюк давлатга айлантиришдек улғувор мақсад йў-лида ташланаётган салмоқли оқимлардир.

2016 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсу-лоти ҳажми жиҳатидан дунёдаги 195 давлат ора-сида 71-ўринни эгаллаган. 2024 йил якунларига кўра, ЯИИ 115 млрд. долларга етди ва Ўзбекис-тон глобал рўйхатда 62-ўринни эгаллади. Бу сак-киз йилда иқтисодиёт реал ҳажми 1,6 баробар ўсганини кўрсатмоқда.

Турли низо ва зиддиятлар туфайли жаҳон иқтисодиёти вояг мураккаб даврни бошидан ўт-казаятган бир вақтда, прагматик ва проактив сиё-сат туфайли бу йил биринчи ярим йилликда иқти-содиётимиз 7,2 фоиз ўсди.

Хусусий мулкка муносабатнинг тубдан ўзгар-гани, унга кенг йўл очилгани иқтисодий ислохот-лар натижадорлигини таъминлашда энг асосий омил бўлаётгани ҳам айни ҳақиқат. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратаилаётган катта эътибор натижасида сўнгги беш йилда кичик ва ўрта тadbиркорлар сони икки бараварга кўпайди. Иқтисодиёт ҳажмининг ярмидан кўпи, sanoat

Халқимиз манфаати учун айtilган ҳар бир гап тез фурсатда амалга кўчди, давлатимиз раҳ-бари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тadbиркорлар билан V очик мулоқотида белги-ланган вазифаларни амалга ошириш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги Фармонга ўша куниек имзо чекди. Унда яқин икки йилда тadbиркорлик фао-лиятини кўллаб-куватлаш, зарур молиявий ва инфратузилмавий шароитлар, ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширишда қулайликлар яра-тиш ва туризмини ривожлантириш, солиқ тўлов-чиларни рағбатлантириш каби йўналишларда муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Шу ўринда Фармонда назарда тутилган янги қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларининг си-фатли ишлаб чиқилишида парламент, хусусан, Сенат ҳам фаол иш олиб бормоқда.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ – ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

«Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказ-ган – шу халқ, Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳ-бар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шун-дай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак – одамларимиз ке-лан. Ким билан бамаслаҳат иш туттишимиз ке-рак – аввало халқимиз билан. Шунда халқим-из биздан рози бўлади. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади».

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 14 декабрида Олий Мажлис пала-таларининг қўшма мажлисида шу сўзларни айтга-нида барчамизнинг кўнглимиз равшан тортган эди. Ҳақиқатан ҳам, давлат раҳбари ишни халқ кўнглига йўл топишдан бошлади. Аҳоли билан юзма-юз му-лоқот қилиб, дардини эшитди. Одамларни қийнаёт-ган муаммоларни уйма-уй, хонадонма-хонадон ки-риб аниқлаш тизимини йўлга қўйди.

Узоқни кўзлаб белгиланган мақсад ва вазифаларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-институционал асослари яратилди. Халқнинг оғирини енгил қилиш, одамларни ўй-лантираётган, ташвишга солаётган масалаларни вақтида самарали ечиш, ҳаёт даражаси ва си-фатини яхшилаш ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди.

Ҳа, бугун барча даражадаги раҳбарлар, жумладан, депутат ва сенаторлар бежиз қуйи бўғинга, маҳалла даражасига тушиб, аҳоли билан бевосита учрашиб, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этишга уринишмаяпти.

Бундан ташқари, 2017 йил мамлакатимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили», деб эълон қилинди. Унинг дастурига халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилади, деган тамойил асос қилиб олинди.

Очиғи, узоқ йиллар давомида халқ билан раҳ-барлар ўртасидаги мулоқотлар суствлашиб, қоғоз тўлдириб, жадавallar ясаш билангина шугулла-надиган мутасаддилар кўп эди. Фуқаролар турли ташкилотлар ўртасида йиллаб сарсон бўларди, идоралар эшиги ёнида оилаб вақт ўтказарди. Оқибатда давлат органлари билан халқ ўртаси-даги масофа анчагина узоклашиб қолганди. Шу-нинг учун бепасандлик ҳолатларига мутлақо чек қўйилди.

Мамлакатимиз раҳбари ислохотларни инсон ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришдан, халқ билан давлат ўртасига ишонч кўпригини ўрнатиш-дан бошлади. Бугун ана шундай кенг қўламли ишларни амалга ошириш учун раҳбарлар каби-нетларидан чиқиб, бевосита паства, маҳалла да-ражасига тушиб ишламоқда. Энг муҳими, ҳар бир ходим меҳнаткаш халқ, оддий одамларга яқин-лашиб, уларнинг кўнглидаги гапларини ўзидан эшитмоқда.

Айниқса, бу ўринда халқдан ишонч олган,

маҳаллий бошқарув органлари фаолиятига баҳо бериш нуқтаи назаридан эмас, балки улар билан биргаликда мавжуд масалаларга самарали ечим топишга бирламчи эътибор қаратмоқдаимиз.

Биз сўнгги йилларда парламент назоратини йўлга қўйиш борасидаги иш услубимизни тубдан ўзгартирдик. Ижро ҳокимияти вакиллари билан биргаликда мавжуд муаммоли масалаларни комп-лекс ёндашув асосида жойида ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб, пировардида уларнинг бажарилишига эришмоқдаимиз.

Сенат аъзолари, маҳаллий Кенгашлар де-путатлари, Сенат девони ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар ҳамда Прези-дентимиз ташфири давомида берилган вазифа-лар ижросини ўрганиб бормоқда. Ўрганишлар на-тижалари Сенат Кенгашининг ҳудудларда ўтказилаётган сайёр мажлисларида масъул вазирлик ва идоралар вакиллари, вилоят, туман раҳбар-лари иштирокида бафуржа муҳокама қилиниб, уларнинг ҳар бири учун алоҳида «Йўл харитаси» ишлаб чиқилмоқда ҳамда ижроси мониторинг қи-либ боришмоқда.

Президентимиз томонидан ҳудудларни ри-вожлантириш борасидаги дастурлар ижросини назорат қилиш, аҳоли муаммоларини дадил кўтариб чиқиш ҳамда уларнинг ҳал этилишида маҳаллий Кенгашлар таъсирчанлигини ошириш вазифаси олдимизга қўйилган эди. Биргаликда олиб бораётган фаолиятимиз давомида маҳал-

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ 2024 ЙИЛ ТАШҚИ СИЁСАТДА ЖУДА ҚИЗҒИН, СЕРҚИРРА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРДИ. ХУСУСАН, ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРГА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАШРИФЛАРИ СОНИ 17 ТАНИ ТАШКИЛ ЭТИБ, 260 ДАН ОРТИҚ ИККИ ВА КЎП ТОМОН-ЛАМА ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ. ЮРТИМИЗДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ БИЛАН 100 ГА ЯҚИН ЎТКАЗИЛГАН УЧРАШУВЛАР ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТАЁТГАН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МАВҚЕИ, ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ-НИНГ ТОБОРА ҚИЗҚИШ ОРТИБ БОРАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТимоий ДАВЛАТ

Эркинлик ва очиклик, қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳам-корлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўнали-шига айланди. «Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат» деган тамойил Конституция даража-сида мустаҳкамланди. «Ижтимоий давлат» ту-шунчаси «Инсон қадри» тушунчаси билан чам-барчас боғлиқ бўлиб, унинг туб негизида инсонни улуғлаш, халққа хизмат қилишдек олийжаноб мақсадлар ётади.

Ўтган қисқа даврда ижтимоий сиёсат йўнали-шида қабул қилинган қонунлар сони икки баро-бар кўпайди. Бу борада 1992 – 2016 йилларда 24 та қонун қабул қилинган бўлса, 2017 – 2024 йилларда бу кўрсаткич 44 тани ташкил этди. Дав-лат бюджетидан таълим ва тиббиёт соҳасига ажратилган маблағлар сезиларли даражада кўпайди. Айтайлик, 2016 йилда мактабгача таъ-лим қамрови 27 фоиз бўлган. 2025 йилга келиб, бу рақам 76 фоизга етди. Олий таълимга қамров 9 фоиздан 42 фоизга етди.

Тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий на-фақалар миқдори минимал истеъмол харажат-ларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилди. 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллиондан ортиқ оилаларга кўмак берилмоқда. Ахратилаётган маблағ эса 7 баробар кўпайтири-либ, йилгига 11 трлн. сўмга етди.

Кам даромадли оилалар фарзандларини пар-вариш қилиш бўйича нафақалар қамрови кенгай-тирилди, нафақа тайинлашда ҳисобга олинган болаларнинг ёши 14 дан 18 ёшгача оширилди, мазкур тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача ҳамда нафақа миқдори ўртача 1,5 баробар кўпайди. 2022 йилдан бошлаб оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад минимал истеъм-лар ҳисоблари миқдоридан ошмаганда оила кам таъминланган, деб эътироф этилиши бел-гилаб қўйилди. Уларни аниқлаш ва манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими жорий қилинди, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар сони охириги уч йилда тўрт баробар ошиб, 1,9 милли-онга етди.

Айнан Конституциямизга таянган ҳолда Ҳара-катлар стратегиясининг мантиқий давоми бўлган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзе-кистоннинг тарақиёт стратегияси қабул қилинди. Тарақиёт стратегиясида белгилаб берилган 100 та мақсад доирасида Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича кенг қўламли ислохотлар бошланди.

Айниқса, сўнгги саккиз йилда Янги Ўзбекис-тонни барпо этиш борасидаги кенг қўламли ис-лохотлар самарасида ижтимоий-сиёсий манзара тубдан ўзгарди.

Рақамлар кесимида яна бир муҳим маълу-мотни келтириш ўринли, назаримизда. Юрти-мизда 2019 – 2024 йилларда 180 мингга яқин ои-лалар арзон уй-жой билан таъминланди. Аҳоли учун йўналтирилган ипотека кредити миқдори 4 баробар оширилди. Кам таъминланган оилалар учун коммунал субсидиялар, ижтимоий ипотека механизмлари жорий этилди. Булар, албатта,



Танзила НОРБОЕВА, Олий Мажлис Сенати Раиси

қисқа вақт ичида эришилган қатор ютуқларнинг кичик мисоли, холос.

КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КАТТА ИСЛОХОТЛАР

Ҳаёт бор экан, янгиланишга эҳтиёж сезила-веради. Йилдан-йилга кўпроқ эътибор қаратила-ётган йўналишлардан бири, шубҳасиз, ижтимоий соҳадаги ислохотлардир.

яқиндан билиш етарли бўлади. Йиллар мобайнида тайинли бир ишнинг бошини тутиб, рўзғорига яхши егулик олиб кела олмаган отанинг ўз ишини йўлга қўяётгани, даромад кўраётгани, аёли, фарзандла-ридан ортиб, қўни-қўшниларга қўшилиб, маҳал-лада кўриниш бераётганида қанча фикр, қанча ху-лоса, қанча ибрат ва шукроналик бор?!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁГА ЮЗ ТУТМОҚДА

Очиқ ва прагматик, ташаббускор ташки сиё-сат Ўзбекистоннинг ўзига хос «ташриф қоғо-зи»га айлангани хорижий давлатлар раҳбарлари ҳамда халқро экспортлар томонидан ҳам эъти-роф этилмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг олий дара-жадаги ташрифларига эътибор қаратсак, кўплаб муҳим жиҳатлар кўзга яққол ташланеди. Келинг, халқро майдондаги алоқаларимиз географиясига бир назар ташлайлик: ҳозир ташки сиёсатимиз дои-раси нафақат Марказий Осиё, МДҲ ёки Осиёнинг етакли мамлакатлари, балки Яқин ва Ўрта Шарқ, Европа йўналишларини ҳам қамраб олмақда. Бу ташки иқтисодиётни сезиларли даражада диверси-фикация қилиш имконини беради.

Барча қўшни давлатлар билан ўзаро манфа-атли муносабатлар тизими шакллангани, барча соҳалар кесимида ҳар бир қўшни мамлакат бил-лан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини айт-майсизми?! Қозоғистон, Тожикистон ва Озарбай-жон билан иттифоқчилик муносабати ўрнатилди. Бу савй-ҳаракатлар, албатта, минтақада барқа-рор ривожланаётган макон яратиш сари ташлан-ган муҳим ва дадил қадамдир.

Бугун Янги Ўзбекистоннинг дунёга очиклиги, шаффофлиги, прагматик ва конструктив руҳдаги сиёсати ўзига хос ижобий жиҳатлари билан намоён бўлмоқда. Халқро сиёсий экспертлар фикрича, мамлакатимиз Марказий Осиё давлатлари билан бирга интеграциянинг янгира ҳужини кўрсата олди. Бунинг замирида қадрияти, менталитети ва дини ягона, тили бир-бирига яқин давлатларнинг инте-грация сари умумий интилиши ётибди.

Давлатимиз раҳбари 2024 йил ташки сиёсатда жуда қизгин, серқирра фаолият олиб борди. Ху-сусан, хорижий давлатларга амалга оширилган ташрифлари сони 17 тани ташкил этиб, 260 дан ортиқ икки ва кўп томонлама халқро ҳужжатлар имзоланди. Юртимизда хорижий давлатлар раҳ-барлари ва делегациялари билан 100 га яқин ўт-казилган учрашувлар жаҳонга юз тутаетган мамла-катимизнинг мавқеи, дунё ҳамжамиятининг тобора қизқиши ортиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда хорижий мамлакатлар билан муносабатларни янада ривожлантиришда, хусу-сан, Сенатнинг роли ҳам ортиб бормоқда. Бу ай-ниқса, давлатларро юқори даражада эришил-ган келишувларнинг ижроси устидан парламент назорати ўрнатилгани, уларнинг амалга ошири-лиши қонунчилик нуқтаи назаридан таъминлана-ётгани, шунингдек, ҳудудларро ҳамкорлигининг самарали йўлга қўйилганида кўзга ташланмоқда.

Сўнгги йилларда миллий парламентимиз Парламентларро Иттифок, МДҲ Парламентларро Ассамблеяси, Европада хавфсизлик ва ҳамкор-лик ташкилоти Парламент Ассамблеяси, Мар-казий Осиё давлатлари парламентлари форуми каби халқро тузилмалар ишида фаол қатнашиб, долзарб минтақавий ҳамда глобал миқёсдаги ма-салаларга доир тақлиф ва ташаббусларни дадил илгари суриб келмоқда.

Мана, шу йил апрель ойида Парламентлар-ро Иттифокнинг 150-ассамблеяси Тошкентда ўтказилганининг ўзи ҳам юртимизда амалга оши-рилаётган ва натижа бераётган кенг қўламли ислохотлар, демократик янгиланишларнинг халқро миқёсдаги улкан эътирофи эканини таъ-кидлашни истардим. Бу парламентимиз жаҳон парламентаризми даражасида ўз овози ва муно-соти ўрнига эгалигини, Ўзбекистоннинг глобал ду-нёда сиёсий вази ва мавқеи тобора ортиб бора-ётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Ҳа, бу йилги мустақиллик байрами ана шундай баланд марралар, катта натижа-лар ва буюк мақсадлар тантанаси сифатида ҳам кенг нишонланмоқда. Уларнинг таъриф ва тавсифини бир мақолага сиғдириш мушкул. Энг муҳими, буни ҳар бир-имиз ҳаётимиз, турмушимиз мисолида кўрапмиз. Биз ана шундай улкан имко-ниятларга тўла, қадримиз баланд, қаддимиз тик даврда яшаяпмиз. Янги Ўзе-кистонни барпо этишга киришилган тарихий янгиланиш жараёнларининг ҳар бир йили катта ютуқлар, беқиёс ўзгаришлар билан бошланаётгани ҳар биримизнинг кўнглимизни тоғдек кўтаради, албатта.

«ЧИМЁН» ТААССУРОТЛАРИ



Фарғона вилояти юртимизнинг сўлим гўшаларидан бири. Бу гўзал замин шарқироқ сойлари билангина эмас, ҳушфёъл ва ширинсўз инсонлари, мохир хунармандлари, уста боғбону, миришкор деҳқонлари билан ҳам ажралиб туради. Бу ерда Касаба уюшмалари Федерациясига қарашли «Чимён» санаторийси ҳам бор. Қуйида Фарғона, фарғоналиклар ва ана шу санаторий ҳақида ҳикоя қиламиз.

ОЛТИН БУ ВОДИЙЛАР – ЖОН ЎЗБЕКИСТОН

Фарғона туманида жойлашган «Чимён» санаторийсини кўзлаб Тошкентдан йўлга отланаркансиз, Наманганни ортда қолдиргач, Езёвон, Ўзбекистон туманларидан ўтиб, Эркин Воҳидов ва Охунжон Мадалиевлар юрти бўлмиш – Олтиарик, хунармандлар макони – Риштон туманларидан ўтасиз. Йўл-йўлакэй пахта ёки полиз даласими, узумзор ёки ўрик боғими, уларни кўриб, миришкор бободоҳқонлар меҳнатига тасаннолар айтасиз. Ва беихтиёр Эркин Воҳидовнинг:

«Фахр этарман, она юртим,
Кўкрагимни тоғ қилиб,
Кўксига тоғлар кўтарган
Танти деҳқон, ўзбегим»

деган мисралари ёдингизга тушади ва улар бежиз битилмаганини англайсиз.

САНЪАТ АСАРИГА АЙЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР

Фарғонанинг бозорларига кирганингизда хунармандчилик маҳсулотлари-ю, тикувчилар қалб кўрини бериб яратган миллий ўзбекона либосларнинг ранг-баранглиги сизни ўзига мафтун этади. Бу ерда хориждан келтирилган либослар эмас, ўлканинг меҳнатсевар ахли яратган кийим-кечаслар расталарни тўлдириб туради. Қувончли томони, улар бежирим, сифат жиҳатидан ҳам анча юқори. Атласу ад-расларнинг йил сайин пишқ ва пухта, янада гўзал нусхалари, турлари кўпайиб бораётгани эса алоҳида мавзу. Беҳосдан энг



яқин инсонларингизга бундай гўзал либослардан совға учун олиш истаги пайдо бўлади. Нархлари ҳам унча қиммат эмас. Масалан, Тошкентда яхши ҳаво ўтказадиган оддий штампел матосидан бир кўйлак тиктириш учун кетадиган маблагга Қўқон бозоридан ўша кийимнинг тайёрини сотиб олишингиз мумкин.

Деҳқон бозоридаги расталарда товляниб турган мева-сабзавотларнинг ранг-баранглигидан ҳам кўзингиз қамашади. Маҳаллий деҳқонларнинг айтишича, бу йил мева-сабзавот мўл-кўл бўлибди. Шу боис бозорда ҳам тўкинчилик. Арзимаган пулга бир дунё бозорлик қилиб чиқиш мумкин.

САНАТОРИЙ ТАРИХИ

«Чимён» санаторийси Фарғона шаҳридан 32 км. узоқликда, Катран тизмаси ён бағрида, денгиз сатҳидан 450 метр баландликда, Олтинсўй дарёси водийсида жойлашган. Айтишларича, бир пайтлар бу ерда нефть қидирув ишлари олиб борилган. Геологлар ўлканинг ўзига хос иклими ва тупроғидан ўсиб чиққан ўсимликларни ўрганиб, ер тағида қандайдир нефть ёки унга ўхшаш минерал моддаларга бой суюқлик бор, деб таҳмин қилишган экан. Қуқур қазилганда, олтингургут моддасига бой, саломатлик учун қони фойда бўлган минерал сув топилиган. Аввалига маҳаллий шифокорлар ана шу сувдан фойдаланиб, ёз мавсумида 30-40 нафар кишини очиқ ҳавода соғломлаштирган. Одамлар асосан олтингургутли сув (водородсульфидли мацеста типидagi минерал сув)да иссик ванна қабул қилишган экан. Бу уларни таянч-ҳаракат аъзолар – оёқ, қўл ва бўғимлардаги шомоллаш ва оғриқлардан халос бўлишига ёрдам берган. 1979 йил 17 апрелда бу ерда санаторий фойдаланишга топширилган. Унинг майдони 28 гектар бўлиб, асосан овқат ҳазм қилиш, юрак-қон томир, асаб, таянч-ҳаракат тизими, гинекологик ва урологик касалликлар билан оғриган беморлар учун мўлжалланган. 1000 ўринли санаторий бир ва икки кишилик ҳамда олиавий келувчиларга мўлжалланган ётоқ корпусларига эга.

Майдони сўлим, кўркам ва яшилликка бой. Гуллар ва манзарали дарахтлар билан кўкаламзорлаштирилган. Отилиб турган фавворалар ва қиялқидан пастга қараб оқаётган муздек тип-тиник зипол сувларнинг шилдираши кайфиятингизни кўтаради.

■ ЮРТИМИЗ СИҲАТГОҲЛАРИДА

Санаторий замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Унда маданият саройи, кутубхона, спорт майдончалари, маданий-маърифий бинолар ҳам мавжуд. Дам олувчилар учун қизиқарли тадбирлар ўтказилади. Фарғона вилоятининг диққатга сазовор ҳудудларига туристик саёҳатлар ташкил этилади. Сирасини айтганда, 46 йиллик катта тажрибага эга санаторий жамоаси йил бўйи тиним билмай ишлайди.

ҚАЙТА-ҚАЙТА БОРГИНГИЗ КЕЛАВЕРАДИ

Санаторийнинг даволаш омили – водородсульфидли мацеста типидagi минерал сув ва Балиқли кўлининг балчиғидир. Бундан ташқари, ичиш учун сульфатгидрокарбонатнатрийли кучсиз (1г/л гача) минерал сув ишлатилади. Водородсульфидли сув асосан таянч-ҳаракат аъзолари оғрийдиганларга тавсия қилинади. Бундай сувда ванна қабул қилганлар оғриқлардан халос бўлиб, 3-4 йил давомида ўзларини жуда яхши ҳис этишларини айтишади.

– Мана, 30 йилдан буюр бу санаторийга келаман, – дейди Қашқадарёнинг Муборак туманида яшовчи 74 ёшли Нозикой Холиқова. – Узоқ вақт мактабда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаганман. 1995 йилда оёқларимдан озгина оғриқ сезганимдан кейин биринчи марта мактабимиз касабга уюшмаси кўмитаси орқали йўлланма олиб, шу санаторийга келганман ва оёқларим оғримай, яхши юрдим. Шу-шу, ушбу санаторийнинг миқжозига айланиб қолдим. Сўнгги йилларда фарзандларим ҳар йили бу ерга олиб келишади.

– Биз Бухоро шаҳридан келганимиз, – дейди эр-хотин Аъзам Ширинов ва Холида Ширинова. – Имкон топилди дегунча, ҳар йили бир марта дам олиш учун келамиз. Даволаш муолажаларини ҳам олмаймиз, тоза ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оламиз.

Тошкентлик 75 ёшли Тамара опа бу йил ўзини ҳам ушбу санаторийга келган.

– Юртимиздаги деярли барча санаторийларда бўлганман. Менга кўпроқ мана шу ер ёқиб қолган. Бу ердаги минерал сувда оёқларимга ванна қабул қилсам, анча пайт оғримайди, яхши юраман, – дейди у.



ЎЗБЕКОНА ЛУТФ ЭГАЛАРИ

Фарғонада яна бир эътиборимни тортган нарсга бу – ўлканинг самимий, танти ва очикқўнгил одамлари. Улар бошқа ҳудудлардаги юртдошларимизга қараганда, китобларда таърифланган ҳақиқий ўзбекона лутф эгалари экан. Русча сўзларни жуда кам ишлатишда, имкон қадар ўзимизнинг сўзларни қўллашда. Масалан, мен шу пайтгача ёзилишига кўзимиз ўрганиб кетган «Ателье мод»ларнинг «Чевархона» деб ёзилганини ва аҳоли томонидан ҳам нутқда «чевархона» деб ишлатилишини, «Бассейн» «Ховуз» деб ёзилганини Фарғонада кўрдим. Болажонларни «сиз»лаб гапириш ҳам гўзал одат ҳамда тарбия, деб ҳисоблайман. Ёшларни тавозели, кексалари дуоғўй, ибодатли.

«Чимён» санаторийсининг туризм ва маданий ишлар бўйича масъул ходимаси Хуснибод Қўшматова бошчилигида бир гуруҳ дам олувчилар билан Қўқон шаҳрига саёҳат ташкиллаштирилди. Хуснибод опа «Чимён» қишлоғи ва санаторий тарихи, Фарғона туманининг ўзига хослиги ҳақида дам олувчиларга шундай фахр билан гапирдики, ҳамманинг қалбида бу масканга муҳаббат уйғота олди. «Хўрматли дам олувчилар», деб, фарғонача лутф билан мурожаат қиларкан, оланинг ўзини тутиши, юриш-туриши, кийиниши ва зукколик билан сўзлашларида «Ўтган кунлар»даги Офтоббойим сиёмосини кўргандек бўлдим. Юртимизда ўзбекона хислатларни бошқалардан кўра яхшироқ сақлаб келаётган ана шундай оддий, самимий ва беназир инсонларни Фарғонада кўп учратганимдан хурсанд бўлдим.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

■ ЗЪЛОН



«ELEKTOR REALTOR» МЧЖ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ МУЗОКАРАЛАР ЎТҚАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ТАШКИЛЛАШТИРИЛАДИГАН КЎЧМАС МУЛКЛАР ВА УЛАРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР БЎЙИЧА ЎТҚАЗИЛАДИГАН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

«O'zsanoatqurilishbank»ATB билан тузилган 2025 йил 18 июндаги №18-2025ER сонли шартномага асосан «O'zsanoatqurilishbank»ATB балансида бўлган қуйидаги мулк Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142 сонли қаро-


рига асосан сотувга чиқарилмоқда: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, «Би-хаштиён» МФЙ, Исрол Каримов кўчаси, 1/1-уйда жойлашган Блок-А ертўла Алора савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 7 650 миллион сўм. Юқорида кўрсатилган мулк йил-

лик 14 фоиз устама билан бошланғич тўлови 20 фоиздан кам бўлмаган ҳолда 5 йилга бўлиб тўлаш шarti асосида сотувга чиқарилмоқда. Савдога қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар e-rieltor.uz платформаси орқали ариза беришлари мумкин. Телефон: +99855-517-22-20. Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz

Хизматлар лицензияланган

Мароқли
дам олинг,
азиз газетхон!



Гуломжон Ёқубов ижросида

«КУЛИБ ЧИҚСАНГ»

қўшиғи Назармат шеъри

Гул фаслидир, боғимга
Кел нигорим сен ўзинг.
Ранг талашур гўзаллик,
Унда борим сен ўзинг.

■ МУНОСАБАТ

Ёшим етмишдан ошди. Икки тузумни кўрдим. 45 йил бир жойда – «Ургут садоси» газетаси тахририятида ишладим. Бировдан кўп, бировдан кам, лекин ҳеч кимга оғирлигини ташлаган эмасман. Турмуш ўртоғим Кимёхон билан (жойи жаннатдан бўлсин) жамиятга муносиб фарзандлар тарбияладик. Демок-чманки, бугунги ҳаётга қандай муносабатда бўлиш кераклиги тўғрисида ҳулосаларимни айтишга маънавий ҳақим бор.

ШУКРОНАЛИК ҲАЛОВАТИ

Бугун Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида алоҳида мамлакатгина эмас, балки ибратга молик давлат сифатида эътироф этилмоқда, тан олинмоқда. Умрим давомида кўп сиёсий воқеаларни кузатганим боис давлатимиз раҳбарининг халқроқ майдонда эришаётган ютуқлари, обрўси не чоғлик машаққат, маънавий жасорат эвазига қўлга киритилаётганини яхши англайман.

Бугун дунёдаги вазиятни ҳаммамиз кўриб турибмиз. Сайёрамизнинг геосиёсий манзараси кун сайин ўзгармоқда. Тинчлик қадр-қиммати ошиб борапти. Мана шундай пайтда дунёда ўз ўрнини мустақкамлаш, ҳар қандай давлат билан тенг манфаатли ҳамкорлик қилиш, юртимиздаги тинчлик-барқарорлиқни таъминлаш энг асосий вазифа бўлмоқда. Давлатимизнинг, Президентимизнинг фаол ва прагматик ташқи сиёсати шунга қаратилган. Лекин бунга ҳар биримиз ҳис қиляпмизми? Гап мана шунда.

Албатта, менинг ёшимдагилар ҳозирги болаларга ўз ҳаётимизни айтиб берсак, чўпқакдек туюлади. Ҳатто қирғинбарот Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини ҳам одамзод эсдан чиқараётганга ўхшайди. Мана шундай пайтда ҳамкорлиқнинг, биродарликнинг, энг муҳими, тинчликнинг қадрига етга олиш, назаримда, ҳазрати инсон учун энг улуг фарз ҳисобланади. Талеимизга шукри, давлатимиз бизга ана шу тинчликни таъминлаб берапти.

Баъзан невараларим билан Ургут шаҳрини айланаман. Янгидан қад кўтарган замонавий иншоотларга қараб ҳавас қиламан. Қурилиш бўлмаган кўчанинг ўзи қолмади. Бир пайтлар гиеҳ унмай-диган қакраган дала даштларда кўркам боғлар яратилди. Сариктепадаги сувсиз, тоққа туташиб кетган қир-адирликларда шундай улкан завод ва фабрикалар қурилдики, ишонгингиз келмайди. Мерганчадаги тоққа бўйлашаман дегандек кўкка бўй чўзган кўп қаватли уйлар-чи, бугун бу жойлар йирик аҳоли масканига айланди. «Янги Ўзбекистон» деб бунёдкорликларга мос ном берилган бу шаҳарчада бугун минглаб аҳоли ҳаёт кечирмоқда.

Кишлоқларимиз манзараси ҳам йилдан йилга ўзгариб, шаҳарларга хос турмуш тарзи қарор топмоқда. Уй-жойларга хизмат кўрсатиш ва сервис шунга яраша. Йўлларга ҳам асфальт ётқизилляпти, бунинг устига IT марказлари пайдо бўлди. Утирган жойимизда банкдан кредит оламиз, паспортимизни янгилаймиз, пенсияни расмийлаштирамыз. Яшириб нима қиламан, бундай имтиёзлар бизлар учун орзудан бошқа нарсга эмас эди.

Ҳар ким Ўзбекистоннинг истаган ерида яшаши, мулкдор бўлиши, ишлаши мумкин. Олий ўқув юртларида ҳам илм оламан, кўйиман де-

ган одам учун ҳамма шароитлар яратилди. Ҳатто бизнинг Ургутда СамДунинг филиали очилди. Давлатимиз раҳбарининг эътибори ва ғамхўрлиги туфайли туманимизда очилган эркин иқтисодий зона корхоналари юз фоиз экспорт учун маҳсулот чиқармоқда. Ахир бу давлатнинг оқилона сиёсати, меҳнаткаш халқимиз шижоати самараси эмасми?!

Мана бугун Ургутга поезд келляпти. Бу гапни йигирма йил олдин айтсангиз, ақли жойидами бу одамнинг, дейишлари аниқ эди. Лекин бугун бу гап рўё эмас, ҳақиқатга айланыпти. Эллик километрдан ортқ масофага жуда қисқа фурсатда темир излар ётқизилмоқда. Жартепа ва Ургут шаҳри дарвозаси олдида вокзал қад ростлади. Бу давлатнинг куч-қудрати, иқтисодий имкониятлари, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти тимсоли ва элпарвар Президентимизнинг узоқни кўзлаб амалга ошираётган сиёсати самараси эмасми?

Мустанқиллик байрами яқинлашган сари, юрагим фахр-ифтихорга тўлаверади. Чунки мен ана шу юртда камол топдим. Ва шу юртининг кундан-кунга чирой очаётган камолини кўриб турибман. Бундай ҳаёт ўз-ўзидан, осмондан келмаслигини ҳам яхши биланам. Бугун Ўзбекистоннинг дунё билан бўйлашуви, халқаро майдонда, ҳатто, ташаббускорлик қилиши учинчи ренессанс нафасига ишора эканини англаш қийин эмас.

Донишмандларимиз ҳамиша шукроналиқни эзгу фазилат сифатида қадрлашган. Улар ҳар қандай миллатнинг қадр-қиммати илм ва одооба эканини қайта-қайта такрорлашган. Шу сабабли Ўзбекистоннинг жамиятда билим қадрини оширишга қаратилган сиёсати халқимизнинг эзгу хислатларини намойиш қилмоқда.

Шукроналик қўл қовуштириб, бориға шукр қилиб ўтириш эмас. Шукроналик бор имкониятдан фойдаланиш чораларини кўришдир. Тўрт мучамиз соғ бўлса-ю, бировдан нажот кутсак, қайси адолатга тўғри келади. Шукроналиқнинг ҳаловати яшаш учун, яхши яшаш учун курашга билишда, Яратганнинг беҳисоб имкони – ҳар бир кундан оқилона фойдаланишда, вақтимизни беҳуда сарфламаздан, аввало, ўзимиз, оиламиз, қишлоғимиз, қолаверса, жамият учун фойдали иш билан шуғулланишдир.

Шукроналик ҳаловати – дилдаги юрт ифтихори! Бу ифтихор юртимиздаги улкан ўзгаришлар, тажриба ва дунё ҳамжамиятидан келаётган эътироф туфайли юрагимда ҳаммиша жўш уриб тураверади.

Матлаб ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон журналистлар
уюшмаси аъзоси,
меҳнат фахрийси

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши жамоаси Агротехноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Ургут тумани кенгаши бош ҳисобчи Мисир Юсупова онаси

ШАҲОДАТ аянинг

вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

MUASSIS:



2007-йил 11-январда
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие»
gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Salim ABDURAHMONOV
Musahhih:
Umida XUDYOBERGANOVA
Sahifalovchi:
Hasan ABDULLILOV
Bo'shga topshirish vaqti – 00:10
Toshirildi – 00:40
Bahosi kelishilgan narxda
Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning
poligrafik jihatdan
sifatli chop
etilishiga
bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmiylashtirgan
tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 076 ta

Shundan: 6 079 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 116 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 881 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,

236-«B» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-811

1 2 3 4 5 6